

Инсон ва қонун

2021 йил 15 июнь
сешанба
№ 24 (1280)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz

“ДАРАХТНИЯМ ЖОНИ БОР...”

4-БЕТ

ИМТИЁЗСИЗ ҚОЛГАН ТАЛАБАГА
АДЛИЯ ЁРДАМ БЕРДИ

5-БЕТ

САРДОБАДА ВОЛОНТЁРЛИК
НИҚОБИНИ КИЙГАН ФИРИБГАР

7-БЕТ

ЕР ТАЛОН-ТОРОЖ
БЎЛМАЙДИ



3-БЕТ

БИЗГА
НИМА
БЎЛАЯПТИ,
ОДАМЛАР?



4-БЕТ

ЖАЖЖИ ЕЛКАЛАРДАГУ ҲАЁТ ЮКИ
**ҲАЁТНИ СЕВИНГ,
ЯШАШГА КУЧ ТОПАСИЗ!**

БИЗ АЛБАТТА, БИРГАМИЗ...

АДЛИЯ вазири ўзбекистон ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда имконияти чекланган шахсларни бирлаштирувчи нодавлат ноtijорат ташкилотлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида “Биз биргамиз!” ижтимоий лойиҳасини амалга ошириб келмоқда.

Ёшлар ижодиёт саройида “Биз биргамиз!” ижтимоий лойиҳаси доирасида “Мафтункор ранглар жилоси” республика танлови бўлиб ўтди. Унда расм чизиш ва шахмат спорт тури бўйича ўз худудида ғолиб бўлган (ҳар бир вилоятдан биттадан) ўғил-қизлар — 28 нафар иштирокчи ҳамда уларнинг 28 нафар қузатувчилари қатнашди.

Ёшларнинг ижодий ишларида ҳаётга бўлган ишонч, умид акс этган. Иштирокчилар билан суҳбат асносида шунга амин бўлдик.



6-БЕТ

“Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони мазмун-моҳияти юзасидан ўтказилган матбуот анжуманидан Адлия вазири иқтибослари:

“Ҳозир бизда ер 6 та ҳуқуқ тури билан берилади, бу жуда ҳам чалкаш, нафақат фуқаролар, давлат органлари учун ҳам тушунарсиз. Эндиликда ер хусусий секторга фақат мулк ҳуқуқи билан хусусийлаштириш мумкин бўлмаган ерларда эса ижара ҳуқуқи билан берилади. Мулк ҳуқуқи дахлсиз бўлади, одамларда ерга бўлган, эртанги кунига бўлган ишонч пайдо бўлади”.

“Ҳақиқатда, ҳар бир давлат ҳар хил ёндашув асосида ечади. Мана, йиллар давомида ҳар хил сабабларга кўра ноқонуний ерларда қурилган мол-мулкни бир мар- талик акция (жуда катта инсонпарварлик акцияси, бунақа акция Ўзбекистон тарихида ҳеч қачон бўлмаган эди) орқали 500 мингга кўчмас мулк эгалари ўзларининг мулкларини легаллаштириб олишди. Бу уларнинг қонуний эгаллигига ўтди, дегани. Бу орқали инсонларда мерос қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади, совға қилиш, тасарруф этиш ҳуқуқлари пай- до бўлиб, давлат жуда катта имконият берди”.

“Ҳозир бизда ер 6 та ҳуқуқ тури билан берилади, бу жуда ҳам чалкаш, нафақат фуқаролар, давлат органлари учун ҳам тушунарсиз. Эндиликда ер хусусий секторга фақат мулк ҳуқуқи билан хусусийлаштириш мумкин бўлмаган ерларда эса ижара ҳуқуқи билан берилади. Мулк ҳуқуқи дахлсиз бўлади, одамларда ерга бўлган, эртанги кунига бўлган ишонч пайдо бўлади”.



ЕРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ЗАМИРИДА ВАТАНГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ МУЖАССАМ!

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан яқиндагина қабул қилинган “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ерга оид ислохотларнинг янги босқичи бўлиши аниқ.

Мазкур Фармонни қабул қилишдан мақсад, унда белгиланаётган янги тартиблар бўйича, шунингдек, “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҳамда “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳалари ҳақида АОҚАда ўтказилган матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ва жамоатчилик вакиллари батафсил тушунтириш берилди.

Тадбирда Адлия вазири Русланбек Давлетов, Бош прокурор ўринбосари, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазири раҳбарияти ва бошқа мутасаддилар иштирок этди.

Анжуманда Президентимизнинг мазкур Фармонида ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш, ер ажратиш ва ундан фойдаланишда назоратни кучайтиришга оид бир қатор янги тартиблар белгиланганлиги таъкидланди.

Биринчидан, ерга бўлган ҳуқуқ турлари 6 тадан 3 тага қисқартирилмоқда. Яъни, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқлари билан ер ажратиш амалиёти тўлиқ тугатилмоқда, бунда хусусий сектор учун — мулк ва ижара ҳуқуқини, давлат ташкилотлари учун — доимий фойдаланиш ҳуқуқини қолдириш назарда тутилди.

Иккинчидан, ноқийлоқ ерларни шаффоф ажратиш мақсадида куйидаги тартиблар белгиланди:

- ҳоким қарори асосида ерларни тўғридан-тўғри ва текинга бериш амалиётини бутунлай бекор қилиш;
- Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларига — хусусий мулк қилиб сотиш, хусусийлаштириш мумкин бўлмаган ерларни ҳамда хорижий шахсларга — ижара ҳуқуқини электрон аукционда сотиш;
- айрим тоифадаги шахсларга (ҳарбийлар, кам таъминланган oilлар, тураржойи бузилишга тушганлар) ерларни тўғридан-тўғри ва бепул бериш ўрнига аукциондан ер сотиб олиш харажатларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш;
- жисмоний ва юридик шахслар ихтиёрида бўлган ерларни ҳақ эвазига хусусийлаштириш;
- энг яхши таклифни танлаш (“swiss challenge”) орқали камида 10 миллион АҚШ доллар миқдоридаги йирик инвестиция лойиҳаси ташаббускорига Ҳукумат қарори билан

ижарага ер бериш (бунда инвестор лойиҳа суммасининг камида 10 фоизини олдиндан депозитга қўйиши лозимлиги) назарда тутилмоқда.

Учинчидан, қишлоқ ҳўжалиги ерларини ажратишда янги тартиб жорий этилди. Хусусан:

- ерни барча фуқаро ва ташкилотларга очик танлов асосида бериш (амалда МЧЖ, деҳқон ҳўжаликларига танловсиз бериларди);
- танловсиз ер бериш фақат Ҳукумат қарори асосида куйидаги ҳолларда амалга оширилади;
- энг яхши таклифни танлаш (“swiss challenge”) орқали аниқланган йирик инвестиция лойиҳаси ташаббускорига — лойиҳа қиймати камида 10 миллион АҚШ доллар бўлганда ва олдиндан камида 10 фоизини депозитга қўйганда (бунда чет элликларга ижара муддати 25 йилдан ошмаслиги лозимлиги белгиланмоқда);
- боғдорчилик, полизчилик ва узумчилик ширкатлари тузиш, ёрдамчи қишлоқ ҳўжалиги юритиш учун ер бериш тартибини бекор қилиш;
- янги ажратиладиган қишлоқ ҳўжалиги ер майдони ўлчами ва ижара муддатини бугунги кун талаблари асосида белгилаш кўзда тутилган.

Тўртинчидан, ер ажратиш ва ундан фойдаланишда назорат кучайтирилмоқда.

- туман ҳокимларининг ер ажратиш бўйича ваколати тўлиқ бекор қи-

линди (ерни бириктириш, фармойиш чиқариш, ерни кўчириш);

- қишлоқ ҳўжалиги ери ижараси бўйича очик танлов якуни вилоят ҳокими қарори билан тасдиқланади, ижара шартномаси (туман ҳокимлиги ва голиб ўртасида) электрон шаклда тузилади;
- ҳоким қарорлари “e-qaror” ахборот тизимида шакллантирилади;
- ернинг жойлашув харитаси “Иннола” ва “АргИС” дастурларида шакллантирилади;
- ерга бўлган ҳуқуқ автоматик тарзда кадастр рўйхатидан ўтказилади;
- вилоят ҳокимининг ер бўйича қарорлари адлия бошқармасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади;
- ҳокимнинг айна бир қарори билан ёки бир вақтнинг ўзида ер участкасини олиб қўйиш ва бошқа шахсга ажратиш тақиқланади;
- ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳўжатларни тўплаш ва кўриб чиқиш жараёнини “e-yeptazorat” ахборот тизими орқали юритилади;
- кадастр, прокуратура, адлия органлари ва ҳокимликлар томонидан ер ажратиш устидан давлат назорати амалга оширилади;
- ер соҳасидаги ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахслар моддий рағбатлантирилади.

Бешинчидан, ер соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кескин кучайтирилди. Хусусан:

- ноқонуний эгалланган ерлар тўғрисида хабар бермаслик, уларда қурилган иморатларни коммуникация тармоқларига улаб берганлик учун янги маъмурий жавобгарлик киритилди;
- сўғориладиган ерларда ўзбошимчилик билан қурилиш қилган шахслар тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортилади (амалда жавобгарлик маъмурийдан кейин белгиланган);
- ер соҳасида барча маъмурий жарималарни тайинлаш ваколати кадастр органларига ўтказилади;
- ерни ноқонуний сотганлик учун янги жиноий жавобгарлик киритилди.

Ҳулоса қилиб айтганда, мазкур ўзгартишлардан куйидаги натижалар кутилмоқда.

- ерларни талон-торож қилиш, ўзбошимчилик билан эгаллаш, ноқонуний сотиш кескин камаяди;
- ерлар барча учун бир хил ва шаффоф тартибда ажратилади;
- ер бозор активига айланади ва молиявий оборотга кирди;
- ер ажратиш тартиби ягона ҳужжат — Ер кодексига белгиланади;
- ер соҳасида давлат ва жамоатчилик назоратининг самарадорлиги ортади.

Адлия вазири Жамоатчилик билан aloқалар бўлими

ЕР СОҲАСИДА ЎҒИРЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

ХАЛҚИМИЗ учун ернинг қадри, қиммати баян. Ер одамзоднинг нафақат муқаддас мулки, балки улғу қадрияти ҳам ҳисобланади. Президентимизнинг янги Фармони ана шу жиҳатдан ҳам юксак аҳамиятга эга.

Аслида ерга бўлган мулк ёки ижара ҳуқуқи аукцион орқали сотиб олинганидан кейин унинг нархи пайдо бўлади. Бугун одамлар орасида ернинг "яширин" нархи борлигини, ҳар бир ҳудудда 1 сотих ер қанча туришини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин давлат томонидан ер шу пайтгача текинга берилар эди. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: ер давлат томонидан текинга берилади, лекин у одамлар орасида катта "қийматга" эга. Бу ҳолат истасак-истамасак коррупцияни келтириб чиқаради. Шунинг учун давлат томонидан ернинг молиявий оборотга киритилгани жуда катта тарихий воқеа.

Туман ва шаҳар ҳокимларининг ерга доир ваколатлари бекор қилинмоқда. Ҳозирда ер соҳасида ваколатлар туман ва вилоят ҳокимлари ўтасида тақсимланган. Масалан, туман ҳокими ер ажратиш ҳақида қарор қабул қилади, лекин бу қарор вилоят ҳокими тасдиқлаганидан кейин кучга кирилади. Амалиётда туман ҳокими қарори қабул қилиниб, вилоят ҳокими қарори чиқмаган ҳолатлар жуда кўп бўлган. Шу сабабли, бу ўзгариш ер соҳасида ортқича бюрократия ва сансалорликни йўқ қилади.

Кейинги 2 йилда (2019-2020 йиллар) туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан 1 минг 356 та тadbirkorнинг ер

участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйилган.

ЕР БОЗОРИДА ЭНДИ ЎҒИРЛИК БЎЛМАЙДИ...

Яқин-яқингача солиқ ва божхона имтиёзлари, масалан, қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар жуда кўп эди. Кимгадир катта солиқ юки қўйилиб, кимдир солиқдан бутунлай озод эди. Бугун аста-секинлик билан одамлар ҳам, тadbirkorлар ҳам барчага тенг солиқ сийёсати жорий этилгани қанчалик тўғри эканлигини англамоқда. Ҳозирда ер бўйича ҳолат ҳам айнан ўша 2-3 йил олдинги солиқ сийёсатига ўхшаш. Жуда кўпчилик ҳолатларда ер участкаларини тўғридан-тўғри бериш бўйича имтиёзлар назарда тутилган. Фармон билан буларнинг барчаси бекор қилинмоқда. Табиийки, бу айримларга ёқмаслиги мумкин. Лекин барча учун бир хил, шаффоф ва тенглик асосида, электрон аукцион ва танлов асосида ер бериш жорий этилган, бу тизим ўзининг ижобий самарасини бера бошлайди. Ер бозорида энг асосий тақдир давлатнинг ўзи томонидан тўғридан-тўғри тақдим этилади.

Фармонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиқларининг улушини кўпайтириш топширилган. Бу, оддий сўз билан айтганда, ерларни майда товар ишлаб чиқарувчиларга бериш, дегани. Қишлоқда яшаётган, ишсиз фуқаро очик танловда қатнашиб деҳқон хўжалиги юретиш учун ер олиш имкониятига эга бўлади, шу орқали минглаб

одамларни даромад манбаи билан таъминлаш мумкин бўлади.

Шунингдек, Фармонда одамларга эгаллик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган, бино-иншоотлар ва тураржойлар остидаги ерларни хусусийлаштириш ҳам назарда тутилган. 2019 йилда бу бўйича алоҳида қонун ҳам қабул қилинган эди. Фармон ушбу қонун асосида одамларга ўзлари эгаллаб турган ерларни мулк қилиб бериш жараёнини тезлаштиради. Хусусий мулкни жорий этиш ернинг дахлсизлигини таъминлайди, унинг иқтисодий қийматини оширади, одамларнинг қўлидаги ер ҳақиқий капиталга айланади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЕРЛАРИ ФАҚАТ ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ

Қишлоқ хўжалиги ерларини алоҳида муҳофаза қилиш бугунги кунда жуда долзарб масала. Чунки аҳоли сони кўпайиши ҳисобига суғориладиган ерларнинг жон бошига бўлган ҳажми кескин камаймоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, сўнгги 15 йилда суғориладиган ерлар жон бошига 24 фоизга камайган, яъни аввал жон бошига 0,23 гектар ер тўғри келган бўлса, ҳозир — 0,16 гектар тўғри келмоқда.

Ўтган икки йил давомида 50 мингдан ортқ ҳолатда 6 минг гектарга яқин суғориладиган ва 10 минг 400 гектар бошқа ерлар ўзбошимчилик билан эгалланиб, ноқонуний қурилишлар қилинганлиги аниқланган. Бундай қилмишлар учун 492 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Бугунги кунда ерни тўғридан-тўғри олиш ҳуқуқи эга айрим имтиёзли тоифадаги шахслар мавжуд. Масалан, турар жойи бузилишга тушганлар. Айтилик, бузилишга тушган уй 100 миллион сўмга баҳоланса, шунинг 60 миллион сўми ҳисобига янги ер участкаси, қолган қисмига 40 миллион сўм пул бериларди. Фармонга кўра, энди компенсация сифатида ер бериш тўхтатилади, бунинг ўрнига фуқарога бузилишга тушган уйнинг қиймати тўлиқ қоплаб берилади. Агар фуқаро аукционда қатнашиб ер оладиган бўлса, унинг тўланадиган компенсация ҳисобида аукционда ер сотиб олиш харажатлари тўлиқ ёки қисман қоплаб берилади. Оддий сўзлар билан айтадиган бўлсак, давлатдан ер кўринишида олинмаган ёрдам энди пул шаклига ўзгартирилади.

2021 йил 1 августдан жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги ҳамда ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун ер бериш ҳам бекор қилинмоқда.

Маълумотларга кўра, республикаимиз бўйича 730 та боғдорчилик-узумчилик ширкатлари ҳудудда 74 минг 82 та дала-ҳовли объектлари (шундан 12 минг 34 таси уй-жой сифатида фойдаланиб келинмоқда) аниқланиб, шундан 37 минг 847 тасида кадастр ҳужжати расмийлаштирилган бўлиб, уларнинг 19 минг 95 таси давлат рўйхатида ўтказилган.

Муҳтасар қилиб айтганда, ерга боғлиқ мазкур ислохот бюрократиядан холи ислохот бўлиши керак!

Нодир ТИЛЛАЕВ,

Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

ЕР ТАЛОН-ТОРОЖ БЎЛМАЙДИ

МАЗКУР Фармоннинг долзарблиги шундаки, кейинги йилларда ер билан боғлиқ муаммолар жуда катта норозиликларни келтириб чиқараётган эди. Фуқаролар бузилган, тортиб олинган уйлари, ер участкалари, савдо дўконлари учун компенсация ололмагандан неча йиллаб сарсон-саргардон бўлиб, идорама-идора юрганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ер тўғрисидаги мана бу машмашалар эса ўтмишда қолган рост бўлсин. Қайта такрорланмасин!

ЯҚИН ЎТМИШДА: ОЧКЎЗЛИК ХУРУЖИ...

Ҳокимликларнинг яқка ҳокимлиги ер бериш борасидаги турли-туман "уйин"ларда яққол намоён бўлган йилларни барчамиз яхши эслаймиз. 90-йилларнинг ўрталари, 2000 йилларнинг бошида ер васиқаси фақат "қозонга" яқин юрганларга текканига ҳам кўпчилик гувоҳ. Энг ачинарли томони шундаки, ўша кезларда амалдорларнинг ўзику, ўзи, "чаққонроқ" ҳодимлари ва ҳатто қариндошлари, ошанларига яхши, унумдор, сувли ерларни 100 гектарлаб бўлиб берган ҳокимлар ер олиб фермерлик қиламан, тирикчилик қилиб, бола-чакамни боқаман, яхшироқ кун кўраман, деган оддий халққа сувсиз, шўр, тошлоқ ерлардан етти марта ўлчаб, миннат қилиб, зўрга беришдан заррача хижолат бўлишмагани ҳам айни ҳақиқат.

Боз устига режаларнинг тошлоқ ерга баян қўйилиши ҳам фақат ташландиқ ер эгаларига янги ва янги ташвиш ҳамда

қайта ва қайта имтиҳон бўларди. Очкўзлик қилиб олинган серҳосил, унумдор ерлар эса, қаровсизлик ва меҳрсизликдан ўт босган майдонга айлангани ер эгасига айланган амалдорларни, уларнинг яқин қариндошларини ташвишга солмасди. Афсуски, ҳокимлар ерларнинг бундай ачинарли аҳволга келганига заррача ачинмади, керак бўлса, бу ерлардан кўзини юмиб ўтишга ўрганди, бу ерларни қайтариб олишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Қайтанга оптималлаштириш даври келганида ерни хор қилганларнинг қўли яна баян келди, улар яна сийланди.

ҚОНУН УСТУН БЎЛСА, МАНФААТ ҲИМОЯЛАНАДИ

Яхши биламиз, ҳар қандай фармон ва қарор қабул қилингандан сўнг, албатта, уни халққа етказиш, ҳаётга татбиқ этиш муҳим жараён ҳисобланади. Ҳуқуқий билими етарли бўлмаган одами алдаш, саводи ҳаминқадар кишини ваҳимага солиш, ўз домига илтириш, ишонтириш

жуда осон. Президентимизнинг мазкур Фармони ҳам халқ ўртасида катта шов-шувларга сабаб бўлиши шубҳасиз. Кимдир бу ҳужжатни тўғри тушунтирса, кимдир эса ўз манфаатини кўзлаб, фойдаланиб қолиш учун коррупция эшикларини каттароқ очиб қўйишга ҳам ҳаракат қилади.

Бу эса ер масаласидаги янги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Қишлоқ аҳли жуда содда, ишонувчан бўлади. Унга "Янги ҳужжат чиқибди, ерингни тортиб олишди, тезроқ ҳаракатингни қил", дейишса, худди ерини биров ҳозироқ тортиб оладигандек, тахлиқга тушиб қолиши аниқ. Шу тариқа одамларнинг ичига гўлгула туширадиган сўзлардан кўриб, чоралар излашга тушади, кимларгадир пул бериш йўлини ахтаришади. Таниш-билишларни ичига солиш керак, бор-будини йиғштириб, кимларнингдир қўлига тутқазилар, яъни коррупция балоси бошланади.

Қонун орқага қайтиш кучига эга эмас. Қонуний ҳал этилган

масалани ҳеч ким ўзгартира олмаслигини, қонунни бузиб кўрсатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини ҳамюртларимиз яхши тушуниб олишлари керак. Жорий йилнинг 1 августидан мерос қилиб қолдирилмаган умрбод эгаллик, доимий эгаллик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилинади. Бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар сақланиб қолиши Фармонда белгилаб қўйилди.

Фармонда ноқонуний ҳаракатларга йўл қўймаслик тўғрисидаги "Ерни ноқонуний эгаллаб олганлик ёки ерга оид бошқа гайриқонуний ҳолат юзасидан ҳабар бериш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баробари миқдориди пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Бунинг учун ҳолат чиндан ҳам ноқонуний бўлиши ва тасдиқланиши керак. Ерга оид қонунбузилиш ҳолатлари хусусида, аввало, кадастр идорасига, қолаверса, прокуратура ва адлия органларига ҳабар бериш лозим", деган норма ҳам

киритилган.

Фармондаги яна бир жиҳат — барча ҳолларда ер участкалари фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан ажратилиши, айни бир ҳужжат билан ёки бир вақтингиз ўзда ер участкасини олиб қўйиш, захирага олиш, бошқа шахсга ажратиш ер бериш тартибини бузиш ҳисобланиши ва қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши янада муҳимдир. Бу тартиб ҳам жорий йилнинг 1 августидан амалга киритилиши белгилаб қўйилди.

Янги Фармон ерга янгича муносабатни, янги тартибга амал қилишни тақозо этади. Умид қиламизки, энди "ишбилармонлар" кўзига яқин қўрилган ерни ҳокимлар билан келишиб, "сотиб" олишига йўл қўйилмайди.

Минглаб дарахларни бир кечада кесиб, қурилиш майдонига айлантиришга рухсат берадиган хуфиёна қарорлар энди узоққа бормайди...

Маруся ҲОСИЛОВА,

"Инсон ва қонун" муҳбири



БИЗГА НИМА БЎЛАЯПТИ, ОДАМЛАР?

ҚАДИМДАН эл-юртнинг қандай-лигига аждодларимиз унинг бозори-ю мазори-ю қараб баҳо берган. Биз — журналистлар ҳам қаерга бормайлик, ёзишга мавзу топилади. Узоққа бормайлик, пойтахтимизнинг одамлар гавжум кўчалари қиёфасини бир кўз олдимишга келтирайлик. Инсон сифатида кўчаларимиздаги озодликдан кўнглимиз тўладими?..

Дунёда инсондан оқил, инсондан бешафқати бўлмаса керак. Кимлигимиз, оилادا, ҳаётда қандай тарбия кўрганлигимиз табиатга, ён-атрофга муносабатимиздан кўринади. Оқил одам боласининг қадами етган жой борки, обод. Бир қарич ер бўлса ҳам, эрта баҳордан гул экади, ниҳол экади. Чекка қишлоқнинг чекка бир худудидаги дарвозаси йўқ, пасткамгина ҳовличадан ҳам гулу райхон иси келади.

Пойтахтда ободонлаштириш бўлими ходими бўлиб ишлайдиган бир ҳамқишлоғим шаҳар ҳақида гапираркан, хайратини яширмайди:

— Шаҳарнинг одамлари кизик-да, айримлар кун тиккага келганда ўрнидан кўзгаллади. Эрталабдан кўп дўконлар ёпиқ. Одамлар ярим кечасигача кўчада. Майли, хар кимнинг ўз ҳаёти ўзига. Мени ўйлантирадигани одамларнинг эринчоклиги, кеңирасиз-ку, фаросатсизлиги! Эси жойида одам писта чақиб, пўчоғини кўчага отади?! Яхшиямки, ёзининг кундида ҳамма салкин сув ичадиган идишлар олдингидай шишадан эмас, бўлмаса кўчалар шиша заводи бўп кетарди.

Ҳамқишлоғим кўп гапирмайди. Куннинг иссиғида бутун пешона тери билан тозалаган кўчалари, эртаси кун ишга келса, яна ўша хол — чикинди тўла “дастурхон” бўлиб турса, нима қилсин?! Ишим, ишим деб кишининг совуғида ҳам қор қураб, кўча супуриб қўли қаварган бу аёл гапирса, боласига тарбия берган онадай куюниб гапирари. Биз уларнинг меҳнатини кадрламасликни

қачон ўргандик?!

Бекатда автобус кутамиз. Кўча супураётган аёлнинг борлигини ҳам сезмай, хотиржам писта чақайди кимдир. Қайноқ ёзининг келиши-ку, озодлик тарафдорлари учун ишнинг қайнагани! Нарирокда “KFS”нинг бир марталик идишлари, қозғоқ қутилари кўчада сочилиб ётибди. Онамиз тенги аёлнинг етти буклиб кўча тозалаш ҳам биз — дийдаси қаттиқларга одатий ҳол бўлиб қолган.

Шаҳардаги девор дармиён кўшинимиз кўча бўйидаги тошлоқкина бир парча ерга эрта баҳорда гул-райхон экканди. Қўкламнинг ёмғирли кунларида ашнаб қолди шу бир парча ер гулзорга айланиб. Бировнинг меҳнатига биров ачинадиган пайтми қозир, нариги кўшинимиз бўйида ип тортилган итини сайрга олиб чиқиб, гулзорни пайхон қилади... Тошлоқкина бир парча гулзорга хар кун икки челақ сув сепишга эринмайди кўнгли кенг кўшинимиз. Ўзи кўнглида гул-ниҳол экиш завки бор одамлар бошқача, боладай беғубор бўлишади. Ҳа майли, тилсиз жониворда нима айб, эгасини эси бўлмаса, дейди юрагини кенг қилиб. Қуёшли кунларда гулзорига икки челақ сув сеппи туришдан эса, сира эринмайди. Бунга, албатта, вақт топади.

Одамнинг юрағида ўти бўлмаса, ўзида хоҳиш бўлмаса, қанча гапирманг, билганидан қолмайди. Бу қайсарликдан эмас, бепарволикдан, дангасалиқдан, лоқайдиқдан!

Пойтахтимизда шундай чиройли



ҳовли-жойлар борки, савлатини кўриб, ҳавасингиз келади. Уйни чиройини ёкиб ўтирадиган бир одами йўқ шундай ҳовлилар борки, кўчасига қор-ёмғирдан бошқа сув тегмайди, ҳовлиси ҳали супурги кўрмаган... Кўп қаватли уйда яшаб ҳам, юрағида завки сўнмаганлар эса, бир парчагина ер бўлсаям анжирми, анорми эксам, атиргулларимнинг атри деразмдан уйимгача қирса, дейди. Басавлат бетон уйларнинг юзига табассумдай чиройли бўлиб ярашиб турган табиий гулдасталар ўтган-кетганининг ҳавасини келтиради.

Юқоридаги каби манзараларга хар кун гувоҳимиз. Лекин бепарвоимиз, бепарво! Шундай бепарволикларни кўрганда бўғзимни куйдириб, оловдай ловулаб бир сўз келади. Устоз Абдулла Орифнинг оташин сўзлари: “Қачон халқ бўла-

сан, эй сен, оломон?!”

Хулоса ўрнида нима ҳам дердик? Халқимизнинг меҳмондўстлиги ҳақида кўп гапираркан, шу кунларда ижтимоий тармоқларга боқиб ўйлаб қоларкан... мактанадиган нимамиш қолди ўзи?! “Қизил китоб”га қирган тилсиз ҳайвонга тажовуз қилаётган, гектар-гектар экинзор устига тап тортмай тупроқ тортаётган, халқ дардини айтгани ёқасидан олган амалдор Навонийдек даҳонинг қаршида билимсизлигиндан заррача уялмай, мағрур туриб, унинг юзига тупураётган “манкурт” (бошқача сўз камлик қилади бундайларга баҳо беришга!), қўлида замонавий телефон тутиб, кўчада кўрганини оммага айтаётган, телеграмчи, фейсбуччи, “тик-ток”чи бўлиб қолган ҳам ўзимиз, ўзимиз!

Ўзбекининг боласи



“Дарахтниям ЖОНИ БОР...”

БАХРОМ дарвозадан кўчаларини кўчага ҳайдаб чиқди. Уларни шу яқин атрофдаги ўт-ўлан кўпроқ жойига олиб бориб ўтлатиб келади. Ўт мўл жойга ўтиш учун орада машина йўл бор. Серқатнов йўлдан ўтказиб олиш учун ёнидаги дуч келган дарахтнинг катмасина шохини арағс синдириб олди.

Нарирокда кузатиб турган кўшини бобо:

— Болам, нега дарахтни синдириятсан, қара, энди гуллари тўкилиб, меваси кўриниб қолган эди, — деди.

Баҳром:

— Кўиларни мана шу чўп билан хайдайман, нима қипти?

— Ахир, яқинда меваси пишса, ейсан-ку, бекорга синдиридинг, дарахтиниям жони бор, болам.

Табиати, экологияни асрашга қаратилган кўплаб қонунлар, қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Аммо бу қонунларга амал қилиш лозимлигини кўпчилигимиз унутиб қўйганмиз. Орамизда қонунларни яқин билмайдиган фуқаролар ҳам бор. Маъмурий жа-вобарлик тўғрисидаги кодекснинг VIII боби “Экология, атроф-мухит-

ни-муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жа-вобарлик” деб номланган. Кодекснинг 79-моддасига қўра: “Дарахтларни, буталарни, бошқа ўсимликларни ва ниҳолларни қонунга ҳилоф равишда қесил, қундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга қуяриб ўтказиш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилган кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

АРИКЧА СУПУРМАНГ, СУВГА ТУПУРМАНГ!

Эрта тонгда турган келин ҳовли-сига, кўчага сув сеппи, супуришга киришди. Ҳовлини супуриб бўлган, тўпланган чикиндини дарвоза ёнидан ўтган арикчага ташлади. Буни кўрган қайнонаси ундан ранжиб:

— Болам, яна сувга чиқарди ташладингизми? Неча марта айтганман Сизга, “кўчага ахлат ташламанг”, “арикча супурманг”, “сувга туपुरманг”, “кирни магза-васини арикча оқизманг”, қасалликлар қаердан келади, деймиз,

ҳаммаси шундан келиб чиқади-да! Ёшлигимизда ҳовлимизни бир чет-тида магзава ўра бўларди. Сизга ҳеч уқтиролмадим, шундай қилинг, деб.

Юқоридаги каби суҳбатларга кўп гувоҳ бўлганмиз. Табиатни асрашни кадрият даражасига кўтаришимиз лозим. Бундай кадриятлар эса, аввало, оилада шаклланади. Сувга туфламаган одам унга ахлат ҳам ташламайди.

Конституцияимизнинг 50-моддасида: “Фуқаролар атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, деб кўрсатилган. Бу эса, ўз вақтида фуқаролар томонидан ер, сув, ўрмон, ерости бўйликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дўнсини ва бошқа табиий захи-ралардан оқилона фойдаланиши, уларни тиклаш ва муҳофаза қилишни ҳамда ушбу мажбуриятни ўз вақтида бажариши ҳам тақозо этади.

ТОЗАЛИК НАЗОРАТЧИСИГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Кизил чироқда тўхтаган машинанинг ойнаси очилди. Беихтиёр кўзим ўша томонга тушди. Ҳайдовчи сувдан бушаган идишни йўл четига отди. Манзилимга етиб-етмасимдан яна бир шундай ҳолатга дуч келдим. Бирдан йўловчи машинанинг эшиги очилди-да, бир ҳовуч писта пўчок ҳавога учди. Сал нарироқда кўча супуриб келаётган онаси тенги аёл норози қайфиятда қараб қолди.


Бундай манзараларга гувоҳ бўлиш бугун оддий ҳолатга айланиб қолди. Ана Сизга одамларнинг атроф-мухитга бўлган муносабати! Кўпчилигимиз тап тортмай манший чикиндиларни — сув идишими, тамаки қолдигими, гугурт дона-сими, қутисими, ҳеч иккиланмай

тўғри келган жойга улоқтирамиз. Мукаддас динимиз хар биримизни озодликка, покликка ўргатади. Ав-вало, хар биримиз фарзандларимиз-га ўзимиз намуна бўлишимиз керак эмасми?! Қуш уясида кўрганни қи-лади-да! Жамоат жойида қўлидаги тамаки қолдигини хоҳлаган жойига ташлаб кетиш, дуч келган жойга тупуриш, никоблару бир марталик идишлар, салфетқалар, музқаймоқ, турли хил егуликларнинг қозғола-рини ён-атрофга улоқтирсак, унда қандай қилиб шахримиз гўзаллиги ва саранжомлигига ҳиссамизни кўшамиз? Бу эса, ўзимизга боғлик.

КЎЧАНИНГ ҲАМ ОДОБИ БОР

Ҳаммамиз хар кун метро, автобус хизматидан фойдаланамиз. Эрталаб ишга келар эканман, метрога тушдим. Кимдир ишга, кимдир ўқинишга шойиб кетаяпти. Йўловчи аёл қўлидаги метродан бир марталик фойдаланиш учун бериладиган билетни белгиланган қўти идишга солишга эриниб, отди-да, кетди. Мен-га галати туюлгани — у аёл киши эди! Кийимлари ўзига ярашиб турган, сочлари чиройли турмакланган аёл! Қилаётган иши ташқи кўринишига умуман ярашмади. Бу ҳолатни кўрган метрополитен ноэри аёлнинг орти-дан нимадир, деб гўдранди. Аёлнинг бир парча қозғочани чикинди қути-сига ташламай, ҳавога улоқтиргани оддий ҳол эмас. Юқорида ёзганларим — дилни хира қилувчи воқеалар замирида инсон боласининг қай даражада маданиятли эканлиги кўри-нади. Қандай бўлиш эса, ўзимизга, виждонимизга ҳавола!

Мадина ҲАМДАМОВА



Имтиёзсиз қолган талабага АДЛИЯ ЁРДАМ БЕРДИ

БУХОРО вилоят адлия идоралари томонидан вилоятдаги етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга имтиёзлар бериш назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича тегишли ташкилотлар томонидан 2019-2020 йиллар давомида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра, Бухоро шаҳар ҳокимининг тегишли қарорига асосан, онаси муқаддам вафот этганлиги, отаси эса фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан оталик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги сабабли Нарғиза 32-сонли “Меҳрибонлик уйи”га жойлаштирилган. У айти пайтда Бухоро давлат университети талабаси эканлиги ва уни тўғридан-тўғри давлат таъминотида ўтказиш мумкинлиги аниқланди. Бирок барча зарур ҳужжатлар мавжуд бўлишига қарамастан, талаба университет томонидан қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдалана олмаган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрдаги 739-сонли қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасалари, академик лицей, касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларда таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни пул нафақалари ҳамда озик-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-бандида бундай тоифадаги болалар ўқишга қабул қилинган кундан бошлаб ўқишни тамомлашгунга қадар тўлиқ давлат таъминотида бўлиши, Низомнинг 4-бандида давлат таъминоти пул нафақалари

ҳамда озик-овқат махсулотлари, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар, шунингдек, транспортда юриш қарточкаларидан иборат бўлиши кўрсатилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Бухоро давлат университетига киритилган тақдимномага асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож талаба қизга талабалар сафига қабул қилинган кундан бошлаб, ҳозирги кунга қадар берилиши керак бўлган нафақа пуллари ҳамда озик-овқат, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар, шунингдек, транспортда юриш қарточкалари учун маблағлар кўчириб берилди.

Анвар РАҲМАНОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими




Кафолат хатига КАФОЛАТ йўқми?

ФУҚАРО Х.Д.га тегишли бўлган Шайхонтоҳур туман “Ўқчи Олмазор” маҳалласи ҳудудидаги “Маярний” кўчаси 35-хонадон 2018 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан бузилганлиги, бироқ компенсация сифатида берилган Олмазор тумани, “Гулзор” кўчаси 131-уй, 9-хонадонни ўз номига расмийлаштириб берилмаганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганилди.

Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам фуқарога тегишли бўлган “Ўқчи Олмазор” маҳалласи ҳудудидаги “Маярний” кўчаси 35-хонадон 2018 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан бузилган ҳамда ўрнига фуқаро Х.Д.нинг 4 кишидан иборат оиласига Олмазор тумани, “Гулзор” кўчасидан бепул квартира берилиши юзасидан Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги томонидан 2018 йил 30 апрелда кафолат хати берилган. Бирок мазкур уй бутунги кунгача фуқаро номига расмийлаштириб берилмаган.

Туман адлия бўлими томонидан кўрилган чоралар натижасида фуқаронинг мурожаати тўлиқ қаноатлантирилиб, Олмазор тумани, “Гулзор” кўчаси, 131-уй, 9-хонадон унинг номига расмийлаштириб бериш юзасидан туман ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди.

Фарход АКБАРОВ,
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бошлиғи



ЎҚИТУВЧИ ИШДАН НОҲАҚ БЎШАТИЛГАН

УЙЧИ туманида яшовчи фуқаро М.Холмирзаева мактабдаги ишдан ноҳақ бўшатирилганини билдириб, ишга тиклашга амалий ёрдам сўраб Наманган вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Аниқланишича, Уйчи туман халқ таълими бўлимига қарашли 43-сонли умумтаълим мактаби директорининг буйруғи билан мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси М.Холмирзаевага иш фаолиятида йўл қўйган камчиллари учун — 8-10 февраль кунлари сабабсиз ишга келмаганлиги ҳамда ички тартиб-қондаларни сурункали бузиб келаётганлиги, синфхона калитини йўқотганлиги ва синф журналини яшириб қўйганлиги юзасидан тузилган далолатнома ва ўқитувчиларнинг келди-кетди дафтарида кўчирмани асос қилиб, “хайфсан” интизомий жазоси берилган.

Ваҳоланки, М.Холмирзаева узрли сабабдан келмаганлигини тасдиқловчи ҳужжат — меҳнатга лаёқатсизлик варақасини мактаб маъмуриятига тақдим этган. Мактаб

директори И.Олимов меҳнатга лаёқатсизлик варақасини имзо билан тасдиқлаган ва бош ҳисобчи ҳам 3 кунга 80 фойз миқдорда нафақа тўланишини имзо қўйиб қайд этган ва унга қонунда белгиланган миқдордаги нафақани тўлаб берган бўлса-да, мактаб директорининг юқоридаги буйруғи бекор қилинмаган. Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 3-бандига асосан М.Холмирзаева билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Уйчи туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилиб, фуқаро М.Холмирзаеванинг ишга тикланиши таъминланди.

Искандар НЕЪМАТЖОНОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



32 НАФАР ХОДИМГА ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

НУРОТА туман адлия бўлими томонидан туман “Тоza ҳудуд” ДУК ташкилоти ходимларининг 2021 йил март ойи иш ҳақлари тўланаётганлиги ҳақидаги мурожаати асосида мониторинг ўтказилганда “Тоza ҳудуд” ДУК томонидан Меҳнат кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги 88-сонли қарори талабларига риоя қилинмаган ҳолда ходимларга иш ҳақлари ўз вақтида тўлаб берилмаётганлиги аниқланди.

Хусусан, Меҳнат кодексининг 161-моддасида: “Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тоифалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин. Ҳақ тўланадиган кун дам олиш кунни ёки байрам кунига тўғри келиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арафасида тўланади. Жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик назарда тутилиши мумкин”, деб белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 88-сонли қарорининг 3-бандида вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавоб бериши, ҳар бир ходимни тегишли даврда унга тўланадиган иш ҳақининг таркибий қисмлари, ушлаб қолинган пул миқдорлари ва унинг асослари, шунингдек, тўланадиган умумий пул суммаси тўғрисида мажбурий тартибда ёзма шаклда хабардор қилиши лозимлиги белгиланган.

Бирок ўтказилган ўрганишда туман “Тоza ҳудуд” ДУКда ишловчи жами 32 нафар ходимга 2021 йил март-апрель ойлари учун иш ҳақлари тўлаб берилмаганлиги аниқланиб, киритилган тақдимномага асосан 32 нафар ходимга жами 37 миллион 572 минг 703 сўмлик иш ҳақи ундириб берилиши таъминланди.

Умид СУВОНОВ,
Нурота туман адлия бўлими бошлиғи

Аттанг

МАЪЛУМКИ, азал-азалдан маҳалла халқимизнинг бошини қовуштирадиган, сизу бизнинг қувончу ташвишларимизга шерик бўладиган эзгулик масканидир. Бинобарин, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан маҳалла тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, бу ҳамюртларимизга фаровон турмуш тарзини яратиш, оддий одамларни рози қилишни назарда тутган.

“АЛИЖОН”ЛИКЛАРНИНГ АРЗИ-ДОДИНИ КИМ ЭШИТАДИ?

ЎХУД КАТТАҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ БИР МАҲАЛЛАНИНГ АЯНЧЛИ АҲВОЛИ ХУСУСИДА

Аммо маҳалла равақига қаратилаётган эътиборни ҳамма ҳам бирдек ҳис қилмаяпти. Оқибатда айрим маҳаллалардаги аҳвол аянчлигига қолмоқда. Бунга Каттақўрғон туманидаги “Алижон” маҳалласидаги бугунги вазиятни ҳам мисол қилиб келтириш мумкин. Айни маҳаллада бўлган кишининг ундаги аянчли аҳволни кўриб лабига учуқ тошади. Наҳотки XXI асрда ҳам мана шундай хароба бинолар бор бўлса? дея хайратдан ёқа ушлайди. Чунки деворлари тагидан нураб, қийшайиши оқибатида бино “авария” ҳолатига келиб қолган. Ҳатто, асфальт ҳам ётқизилмай, тупроқ чангиб ётган боис маҳалла ҳовлисига қадам босиб бўлмади. Томорқа майдони эса бегона ўт ва шох-шаббалар уюмидан тозаланмаган. Худди эгаси кўчиб кетган хароба қулбани эслатади.

— Бу бино бундан йигирма йил олдин ҳашар йўли билан, вақтинча қурилган. Шунинг учун аҳволимиз чиндан ҳам оғир,— дейди “Алижон” маҳалласи раисининг ўринбосари Шаҳбоз Тўйчиев. — Маҳалламизда 537 та хонадонда уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бир неча йиллардан буён туман ҳокимлигига янги маҳалла биноси қуриш юзасидан мурожаат қиляпмиз. Бироқ арзи-додимизни ҳеч ким эшитмайди. Очиги, буни маҳалла биноси дейишга ҳам тил бормайди. Одамларни тўплаб, бирор-бир тadbир ўтказадиган хонамизнинг ўзи йўқ. Омонат қурилган айвонларнинг устунлари қийшайиб, йиқилмаган, деб турибди. Қандайдир муҳим тadbир ўтказиш зарур бўлиб қолса, худудимиздаги 56-мактабга борамиз. Нима, бизнинг маҳалламиз ўғайми? Вилоят ёки туман ҳокимлиги томонидан турли мебель, стол-стул ва бошқа анжомлар ажратилмаганини гапирмаса ҳам бўлади.

— Раисимиз, унинг ўринбосари билан мен битта кичик хонада сикилиб ўтирамиз. Айрим пайтлар, можароли оилалар келиб қолган пайтда мен ноилж ҳовлига чиқиб ўтираман. Айтсам ишонмасиз, маҳалламизда на радио, на телевизор ва на тоза ичимлик суви бор. Энг ёмони, маҳалламизга ҳеч қандай газета-журнал келмайди. Кутубхона ёки бирорта маданий-маиший иншоот йўқ. Шу сабабли бизда маърифий ва маданий тadbирлар деярли ўтказилмайди. Қуруқ ҳужжат тўлдириб, ойлик иш ҳақи олаётганимдан виждоним қийналади, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Салима Даминова.

Маслаҳатчининг гапларини эшитиб, хайратдан ёқа ушлайсан киши. Чиндан ҳам маҳаллада бугун юртимиз бўйлаб кечаётган ислохотлар самараси сезилмайди.

— Биз ҳам Ўзбекистон фуқаросимиз. Маҳаллага чиқиб, оқсоқоллар билан гурунғ қилайлик десак, бунинг сира иложи йўқ. Номингагина қўйилган 2 та сўри кароват қийшайиб, синиб ётибди. Ҳўрлиги келадки кишининг. Наҳотки, “Алижон” маҳалласи учун битта бино қуриш шунчалик қийин бўлса? — дейди кекса педагог Абдурахмон Қиличов.

Айтишларича, маҳалла биносига қарашли ерлар тadbиркорлар томонидан эгаллаб олинган. Дард устига чипқон деганлари, балки шудир. Тўғри, маҳалла эски, унда шарт-шароит йўқ, лекин маҳалла оқсоқоли Абдузоир Бахриев мавжуд маҳалла биносини оқлаб-қўлаб, унинг томорқасига гул ва кўчатлар экиб, обод қилиб қўйса бўлади-ку! Қолаверса, киши қадам босмайдиган маҳалладаги битта бинони тadbиркорлар ёрдамида обод қилиш қийинми? Муҳтарам раис, энди замон ўзгарди, оқсоқолман, деб қуруқ савлат тўкиб юрадиган вақт ўтди. Энди маҳалла оқсоқоли тadbиркор, ишбилармон, файрат ва шижоатли инсон бўлиши керак.

Буни қарангки, мазкур маҳаллада ойлик ва ҳафталик иш режалари ҳам йўқ экан. Наҳотки, газета ва журналларга обуна бўлиш учун ҳам тепадан буйруқ кутиб ўтирилса? Билмадик, ҳамон гафлат уйқусида ётган Абдузоир Бахриев ўз ишида ўзгартиш қилолармикан? Лекин бунга ишонини қийин. Шундай экан, Каттақўрғон туман ҳокимлиги, вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси мутасаддилари “Алижон” маҳалласига келиб, халқнинг арзу додини эшитсалар ёмон бўлмасди.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Давоми. Бошланиши 1-бетда

ЖАЖЖИ ЕЛКАЛАРДАГИ ҲАЁТ ЮКИ
ҲАЁТНИ СЕВИНГ, ЯШАШГА КУЧ ТУПАСИС!

Хулқар ЭГАМБЕРДИЕВА,
Хоразм вилояти (16 ёш):

“Онажон ёнимда туринг,
мадад беринг...”

— Мен ўз суратларимда онам сиймосини гавдалантиргим келадди. Лекин бунинг уддасидан чиқолмайман. Чунки онамнинг фазилатларини бир суратда жамлашнинг иложи йўқ. Онам акс этган қандай суратни чизмай бу тугалланмаган иш бўлиб қолаверадди. Мен ҳаётда ҳамма нарсага уддалай олишим мумкин. Фақатгина онам ёнимда турсалар, менга мадад берсалар бўлгани. Кардиолог бўлмоқчиман. Шунда ўзимга ўхшаган беморларни даролаб, ёрдам берардим. Рассомчилик бу қизиқишим. Яхши рассом бўлиш учун, ўйлашимча, одамнинг тасаввур доираси кенг бўлиши керак.

Абдулворис ДИЛШОДБЕКОВ,
Андижон вилояти (12 ёш):

“Гапиришда нуқсоним бор,
аммо мен тузаламан...”

— Албатта тузаламан. Ҳаракат қиламан бунга. Водаликман. Водий чиройли манзаралари билан машхур. Суратларимда ана дўзал табиятни акс эттираман ҳам.

— Мен Абдулвориснинг устозиман, — деди Олтинкул туманида яшовчи Рафиқахон Солиева. — Бу йил шу танловга тўртинчи марта ўқувчиларимни олиб келишим. Тўрт йил аввалги яхши бир раппи айтгим келди. Рассомликка қизиққан бир ўқувчининг қўлларида нуқсон бор эди. Бу унга ҳаракатланишида муаммо туғдирарди. Танлов бўлаётганини эшитиб, ҳаракат қилиб, республика босқичига чиқди. Шу ердаги таассуротлар уни қайта кашф қилди. Жарроҳлик амалиётига рози бўлди. Орадан вақт ўтиб тузалиб ҳам кетди. Сўн стоматология институтига ўқишга топширди. Ҳозир талаба. У ушбу танловдан бир умрга миннатдор. Абдулворис ҳам талаффузида муаммоси бор. Яқин-яқингача ҳам бир оғиз гапирмас эди. Иқтидорини намойиш этишга берилган имконият уни интилувчан қилди-қўйди. Ўзига бўлган ишончини орттирди. Ҳозир нуқсонлари устида ишляпти. Мен шундан хурсанд бўламан.

Норжон ФАТТОВА,
Бухоро вилояти (17 ёш):

Норжон дизайнерликка қизиқар экан. Бугунги танловда “Осмон билан сирлашаётган қиз” номли суратини чизишга қарор қилибди. — Суратда ўртада турган қиз менман. Ўзимни ойга учиб кетаётгандек қилиб тасвирлагим келди. Балки, ҳаётда уча олмасман, тенгдошларим каби бўла олмасман, лекин чизаётганларимда мен эркинман. Шунинг учун орзуларимни суратларимда тасвирлайман.

Зухра БАҲОДИРОВА,
Наманган вилояти (14 ёш):

— Мен рассомчиликка ихтисослаштирилган мактабда ўқийман. Устозларимиз бизга сантиметр, ҳатто миллиметрларда ҳам хатолик бўлса, сурат сифатсиз чиқишини кўп такрорлайди. Сурат сифатсиз чиқмаслиги учун ранглар уйғунлигига ҳам алоҳида аҳамият қаратиш керак. Масалан, қизил билан зарғалдоқ, кўк билан ҳаворанг, яшил билан зангор ранглар яхши “келишади”. Яна

суратни ҳеч қачон пастдан бошлаб чизмаслик ва на бўямаслик керак. Чунки сурат пастдан юқорига қараб бўяб борилганида кўлимиз ҳалақит бериб, суратни бўзиб қўйиши мумкин. Мен бугун ўз суратимда “Юксак парвозга кўмаклашаётган кўприк”ни тасвирлашга ҳаракат қилдим. Кўприк — ота-онам, устозларим ва менга кўлини тутган яқинларим. Улар менинг имкониятим чекланган бўлса ҳам ҳаётнинг имконият эшикларини очиб бўлишига ишонтирган одамлар. Ва мен бу ишонч билан ҳали катта ишлар қила олишим мумкин.

Лола СИРОЖЕВА,
Навоий вилояти (13 ёш):

“Оққушни севаман...”

— Мен аввал чизишни билмасдим, кейин ўргандим. Кўприк табиат манзараларини чизишни ёқтираман. Бу манзараларда жониворлар ҳам бўлади, албатта. Ҳозир суратлар чизишда 3D усулдан фойдаланишни ўрганиман. Масалан, мана бу суратдаги оққушни кўринг. Уни ҳаракатланаётганини қандай кўрсатиш мумкин? Бунинг учун оққушнинг олд қанотини кичикроқ, орқадаги қанотини каттароқ қилиб чизамиз. Одам юраётганини акс эттириш учун бир оёғи ердан кўтарилган ҳолатда тасвирланади. Буни ўрганиш жуда қизиқарли.

Ҳосият ҲАСАНОВА,
Навоий вилоят Ногиронлар
жамияти раиси:

“Гул кўнгилда осмонни
кўрдик...”

— Бундай эзгу тadbирни ташкил қилганларга ташаккур. Боланинг кўнгли гулдан ҳам нозик бўлади. Болаларга қувонч улашганларга минг раҳмат. Энди болаларнинг ҳаётга бўлган муҳаббати ошди, ишончи ортди. Бугун тadbирда нафақат болаларнинг, балки уларнинг ота-оналари ҳам фахрланаётганларини кўрдик. Бундай хайрли ишлар кўп бўлишини, болалар чексиз имконият эгаси эканларини доимо ҳис қилишларини истардим.

Шодияхон НИШОНОВА,
Фаргона вилояти (17 ёш):

“Мен тоғдай юксалдим...”

— Танловда эркин мавзуда тоғлар, дарахтлар, гулларнинг, баландда парвоз этаётган кўнглиларнинг суратини чиздим. Кўнглим ҳам ўзим чизган ана шу баланд тоғлардек юксалди. Бизга кўрсатилган меҳр ва эътибордан кўнглим ўсди. Танлов бизга янги илҳом берди. Бу меҳрибонликдан миннатдоримиз. Кўнглимда ҳеч кимдан кам эмасман, деган гурур пайдо бўлди ва буни, албатта, келгусида чизадиган суратларимда акс эттираман.

Умида ТЕШАБОВА,
Тошкент вилояти (16 ёш):

“Ҳаётни севаман, ўз
нуқсонларимдан халос
бўламан...”

— Орзуларим кўп. Мен табиат билан сирлашим келадди. Чунки унда ёлгон йўқ. Тинглашни билади. У инсонни ажратмайди. Фақат тили йўқ. 16 июнь куни мен 9 операцияга қираман. Ҳаётдан умидим катта. Ишончим баланд. Мен тенгдошларимдек бўла оламан. Нуқсон-

ларимдан халос бўламан. Кейин мени даволаган шифокорлардек мен ҳам доктор бўламан. Шунда ҳамма-хаммани даволайман. Ҳатто, мени ўз сафига қўшишни истамаган дўстларимни ҳам.

Азизбек ТУРСУНОВ,
Жиззах вилояти (11 ёш):

Кўз ёшлардаги тириклик
ранглари

— Мен яшил, кўк, сариқ, қизил рангларни яхши кўраман. Чизган рангларимда қишлоғимни тасвирлайман ва расмларда айтган рангларим кўприқ ишлатилади. Катта бўлсам харбий ёки президент бўламан. Азизбек орзусидаги касбларни айтар экан ҳаяжондан йиғлаб юборди. Унинг гапини отаси Бастам Темиров давом эттирди:

— Фарзандимнинг қизиқишлари — менинг ҳам қизиқишим. Ҳар доим Азизбекнинг кўнглига қараймиз. Уни кўлимда бир умр опичлаб юришга ҳам розиман. Фарзандим ўзини ҳаётда бегона ҳис қилмаса бўлди. Шу боламнинг кўзида яшашга бўлган интилишни кўрсам армоним йўқ!

Тўғриси, отанинг матонатига қойил қолдик. Азизбек чизаяпти-ю ота унга парвона. Ҳали қалам тутган, ҳали ўчирғич, ҳали Азизбекнинг кўзида яшашга бўлган интилишни кўрсам армоним йўқ!

Қорақалпоғистонлик Жасурбек Муратбоев (15 ёш), тошкентлик Азиза Каримова (14 ёш), самарқандлик Озодбек Раҳматов (16 ёш), сурхондарёлик Парвина Хусайнова (20 ёш) ҳам ўз суратларида табиатни акс эттиришларини, энг ёрқин — яшил, кўк, сариқ ва қизил ранглар билан ишлашларини, ҳаётда жуда кўп ёрқин ранглар борлигини, ҳар бир муносабатда ана шу ёрқинликни кўра билиш кераклигини айтишди.

Болалар ўз кечинмаларини фахрлиниб, ҳаяжонланиб, гурурланиб ҳикоя қилишди. Болаларнинг кўзларидаги қувончни кўриб биз ҳам фахрландик. Оллоҳ узрли қилиб яратган болаларнинг ҳаётга интилишларидан куч олдик. Шунчаки, кундалик муаммоларга дош беролмай умидсизликка тушганда, ишлар қалашиб, олдимизда тоғдек уюлганда ташвишланганимизда, арзимас гаплар кўнглимизга оғир ботиб, хафа бўлганимизда шу болаларнинг ўзига бўлган ишончи, жажжи юраклариданги улкан жасорат ва журъати олдида бош эгишимиз кераклигини англадик.

Танлов натижаларига қўра, расм чизиш мусобақаси бўйича биринчи ўрин Норжон Фаттоевага насиб қилди. Лола Сиронова иккинчи, Хулқар Эгамбердиева учинчи ўринни эгаллади.

Шахмат мусобақасида эса Ҳожиқбар Саидмуродова биринчи ўрин насиб қилди. Шехроз Даминов иккинчи, Шахриёрбек Ғуломов учинчи ўринни эгаллади.

Танлов иштирокчиларининг барчасига ноутбук, шахмат, электр чойнак, китоб ва бошқа қимматбаҳо совғалар, медаль ва фахрий ёрликлар топширилди.

Дилфуза ЭРҒАШЕВА ёзиб олди.



ҲАРОМНИНГ ҲАЗМИ ОФИР

ИШДА ҳам, шахсий ҳаётда ҳам нафақат ёш авлод, балки кенг оммага ҳам ўрнак, андаза бўлаётган устозлар жуда кўп. Бироқ яхшилик ва эзгулик уруғи унган жойда шумғия аталмиш сассик алаф ҳам ниш ураркан. Корруццион йўсиндаги қора қилмишнинг совуқ кўланкаси мактабга ҳам ёйилгани, бурчи, мажбурияти, хизмат вазифаси ёш авлодни унга қарши муросасиз қураш руҳида тарбиялаш, бу борада ўзи ҳам барчага ибрат ва ўрнак намуналарини кўрсатишдан иборат бўлган шахслар, раҳбар-мутаассидлар томонидан содир этилиши, айниқса, ачинарли.

Воқеа Гурлан туманидаги 27-сонли умумтаълим мактабиди рўй берди. Мазкур мактабда инглиз тили фани ўқитувчиси вазифасида ишлаётган Равшан Аскаронинг ишига, турмушига ҳам чанг солди. Муаллим аввалига бутун юрт бўйлаб жорий этилган пандемия даври қондиси сабаб, кейин эса, меҳнат таштилига чиққани учун бир неча ой жонажон мактабига келолмади. Машғун хасталикнинг жабрини ҳам тортиди. Бу ҳол мактабда янги ўқув йили бошланган сентябрь ойининг ўрталаридан давом этди. Шу орада дард ҳам ортга кетинди. Касалликдан халос бўлган Равшанбой муаллим кадрдон мактаби томон йўл олди. Директор — Муяссар Ортикова муаллимни хушаламагича кўлиб олди. Унинг меҳнат фаолиятини давом эттиришга изн бериш ҳақидаги ўтинчинини эса, эшитишгани ҳам истамасди.

Муаллимнинг айтишича, ўша куни директор анчайин дағал муомала асносида унга ишдан бўшатилаганини маълум қилди. Раҳбари тезда хизмат хонасидан чиқиб кетишни талаб қилган. Муаллимнинг ўжарлиги тутган. Яна икки марта директорни йўқлаб борган. Директор ҳам бўш келмаган, хар гал собиқ ўқитувчини хузуридан ҳайдаб солган. Ўяр муаллим эса, 2020 йилнинг 21 сентябрида директор опани яна йўқлаган. Опадан ниманинг эвазига ишда қолиши мумкинлигини дангал сўраган. Ниҳоят, директорнинг чехраси ёришиб, имо-ишора орқали

муаммо, орадаги келишмовчилик 1,5 миллион сўм эвазига бемалол ечим топиши мумкинлигига шаъма қилган. Муаллим ҳаялламаган. Сўралган пулнинг 1 миллион сўмини эртасигаёқ унинг хизмат хонасига элтиб берган. Қолган 500 минг сўм пул ҳам насиялгича қолмаган. Равшанбой уни орадан бир кун ўтмаёқ директорнинг хизмат хонасига унинг қўлига тутказган. Муаллимнинг ҳимматидан кўнгли тўлган директор уни ишдан озод қилиш ҳақида мукаддам оғзаси равишда берилган буйруқ шу ондан эътиборан бекор қилинганини билдирган.

...Р.Аскаронинг сўнгги ташрифи директор М.Ортиқовани бир умрлик шум қисматга дучор этди. Директорга пул тутказган ҳодим унинг хонасини тарк этгани ҳамомо бу ерга уч-тўрт нафар нотаниш одамлар кириб келишди. Порага онд ҳақиқат директорнинг хизмат хонасига пинҳона қолиб кетмади. Шу ондаёқ юзага чиқди.

Гумонланувчи мақомида терговга чақирилган М.Ортиқова ўзига қўйилган айбни кескин рад этди, пушаймонлик ҳам билдирмади. Р.Аскарондан бир кун аввал 1 миллион туғул, хатто сарик чака ҳам олмагани, бу муаллимнинг тухмати эканини такрор-такрор уқтирди. Иккинчи куни қўлига тутказилган 500 минг сўм пулни эса, бесабаб ташлаб кетилганга йўйди. Бу орада катта қўнглизликка сабаб бўлган мазкур пул мактаб учун қўшимча хона қурилишига рози-ризолик асосида,

ҳомийлик тариқасида берилганига онд даъво ҳам ўртага тушди. Бу иддао ҳам текширилди. Директор билан муаллим ўртасида ҳомийлик хуусида ҳақиқатан ҳам сўз очилгани, тақлифга розилик билдирилгани, 200 килограмм оҳак Р.Аскарон томонидан ҳомийлик ёрдами сифатида қурилиш майдонига элтиб берилгани қундай равшан бўлди. Р.Аскарон томонидан қурилишга 500 минг сўм “ҳомийлик ёрдами” кўрсатилгани, бу пулнинг порага мўтлақо дахли йўқлиги ҳақидаги дастак шу алфозда чиппака чиқди. Директорнинг 1 миллион сўм пора олмагани ҳақидаги далил-исботи эса, Р.Аскарон томонидан мобил телефон хотирасига жойланган аудио ёзув кўмагида тўла рад этилди. Мазкур ёзув порани бериш-олиш пайтидаги асл ҳақиқатни директорнинг ўз жонли овози ёрдамида тўла-тўқис юзага чиқарди. М.Ортиқова қайд этилган жинойи қилмишнинг ўз мансаб ваколати ва мавқеидан фойдаланган ҳолда содир қилгани узил-кесил аён бўлди.

Корруццион ҳолатнинг айбланувчиси М.Ортиқова ўзи томонидан содир қилинган, судда ҳам, терговда ҳам тўла тасдиғини топган қилмишига иқрорлик билдирди. Жабрланувчини жилла бўлмаса тухматчига айлантираёзган бўлса-да, ҳукм чиқаришда суд унинг 3 нафар фарзандининг онаси — ягона боқувчиси эканини ҳисобга олди.

Суд жазони енгилатиш ва оғирлаштиришни тақозо этувчи шу ва шу сингари ҳолатларни назарда тутар экан, корруццион жиноятга қўл урган шахс ўз фаолиятини таълим-тарбия тизимига давом эттиришини максалда мувофиқ эмас, деб топди. Шу муносабат билан судланувчи Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан 2 йил муддатта мансабдорлик ва моддий жавобгарликка тааллуқли вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинди. Юқори босқич суди мазкур ҳукмни ўз кучида қолдирди.

Корруцциясиз ҳаёт жиноятчилик қушандаси эканлигини унутмаслигимиз керак. Корруцция ҳазми оғир иллат. Бахт, омад эса, қонунга, эзгулик ва одамийлик амалларига амал қилганларни йўқлайди.

Қодирберган ЯХШИМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди раиси,
Раҳимбой ЖУМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди халқ масласхатчиси,
журналист

БАРЧАМИЗГА маълумки, 2020 йилнинг 1 май тонгида “Сардоба” сув омбори деворининг шикастланиши оқибатида катта сув тошқини рўй бериб, Сардоба, Оқотин ва Мирзаобод туманлари ҳар томонлама жиддий зарар кўрди. Азалдан бундай оғир қунарларни ҳамжихатлик билан мардонавор енгиб ўтган халқимиз янада жипслашиб, бу талофатни ҳам бир тану бир жон бўлиб бартараф этди. Ушбу оғир дамларда халқимизнинг одамийлик, меҳр-оқибат, саховат, инсонпарварлик каби олийжаноб фазилатлари, кадриятлари, ўзлигини янада намоён этди.

САРДОБАДА ВОЛОНТЁРЛИК НИҚОБИНИ КИЙГАН ФИРИБГАР

Бироқ халқимиз томонидан берилган бегараз ёрдамларни, талофатдан азият чеккан фуқароларга тенг тақсимлаб тарқатилиши лозим бўлган бир вазиятда айрим нобакор, оч-кўз кимсалар ёрдам тариқасида юборилган маҳсулотларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб даромад олишдек паст ниётларини амалга оширдилар.

Ҳали 30 ёшга ҳам қириб улгурмаган сардобалик М.Жўрақулов (исм-шарифи ўзгартирилган) ёш бўлишига қарамасдан Жиноят кодексининг 168-моддасида назарда тутилган фирибгарлик жиноятини содир этиб, озодликдан чеклаш жазосини ўтаб туриб, ўз ҳамқишлоқларига хиёнат қилди. Аввалига мактабларга эвакуация қилинган аҳолига ижтимоий ёрдам бериш максалида у мутасаддиларга учрашиб, “Кизил ярим ой” жамиятидан қўнғилли (волонтер) сифатида бириктирилганлигини, уларга кўмаклашишни айтиб, шундан сўнг хар қуни жабрланганларнинг ёнида қолиб, уларга ҳомийлар томонидан юборилган зарур маҳсулотларни тарқатишда ёрдам бериб турди.

Бир сафар тумандаги 21-мактаб директори ўринбосари билан мактабда вақтинча яшаётган аҳолига зарурий маҳсулотларни олиш учун Сардоба тумани ҳокими номига талабнома ёзиб, 11-сонли мактабдаги омборга бориб, талабнома бўйича 17 турдаги 338 дона маҳсулотларни олиб келиб, тарқатишга бош-қош бўлди ҳам.

Айни ўша пайт ҳавфли реңидивистнинг фирибгарлик “хуружи” тутди. Талабнома мавжуд бўлса, омбордан маҳсулот олиши мумкинлигидаги ишонч ҳосил қилган М.Жўрақулов Сардоба тумани ҳокими номига сохта талабнома тўддириб, ўзини гўёки “Кизил ярим ой” жамияти раҳбарининг ўринбосари сифатида киритиб, сохташлатирилган талабномага тайёрлаб, йўл-йўлакай нотаниш “Дамас” русумли автомашинани гаплашиб, 11-сонли мактабда жойлашган омборга “шаҳдам” қаламлар билан кириб келди. Бундай оғир пайтда М.Жўрақуловнинг талабномаси сохта эканлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган омбор мудири унга 4 дона белқурак, 4 дона кетмон, 4 дона теша, 30 дона матрас, 30 дона ёстик, 72 дона кўрпа, 30 дона чойшаб, 70 дона халат, 24 жуфт шиппак, 75 дона сочиқ, 41 дона футболка, 60 дона хожатхона қозоғи, 144 дона тиш тозалагич, 40 дона коса, 40 дона “памперс”ларни қўш-қўллаб бериб юборди. М.Жўрақулов нобакорларча қўлга киритган маҳсулотларни “Дамас”га юклаб, Сардоба тумани маркази Пахтаобод шаҳарчасига олиб бориб, эркин талбиркор сифатида кўча-кўйда сотиб юрди. Шундай қилиб М.Жўрақулов ҳамқишлоқларига аталган 15 154 000 сўмлик зарур маҳсулотларнинг тағига “сув қуйди”. Сийқаси чиқиб кетган ўша эски “бузқоннинг югургани сомонхонага-ча”, деган мақолада айтилганидек, орадан ўн кунар ўтар-ўтмас, М.Жўрақуловнинг кирдикорлари фош бўлиб, эл-юрти олдига яна бир қарра шарманда бўлиб, ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари томонидан қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Сардоба тумани судида М.Жўрақуловнинг жиноят иши синчиқлаб ўрганиб чиқилди. Суд судланувчи М.Жўрақуловнинг Жиноят кодексининг 168-моддаси, 3-қисми, “б” банди, 228-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганлигида айбли, деб топилиб, унинг содир этган жиноятини ижтимоий ҳавфлилик даражасини инобатга олган ҳолда жамиятдан ажралмаган ҳолда қайта тарбиялашнинг имкони йўқ, деган ҳулосага келиб, жазони умумий тартибни колонияларда ўтатиш белгиланди. Жиноят кодексининг 60, 61-моддалари тартибда 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Шухрат СУЯРОВ,
журналист

ЭЪЛОНЛАР

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 7 майдаги 178-ум-сон буйруғига асосан Деҳқонobod туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жобборов Аброр Дилшодовичга бошқарма томонидан 2020 йил 27 апрелда берилган КС 0039-серияли хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши жорий йилнинг 8 май кундан сўнгини қарори қонуний қучга киргунига қадар, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатилади.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Термиз шаҳридаги “Сурхон Барқомол Имон” адвокатлар ҳайъати адвокати Бердиев Азим Мейлиевичнинг адвокатлик мақоми 2021

йил 10 майдаги 92-ум-сонли буйруғига асосан тикланди.

Фаргона вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 17 майдаги 150-ум-сонли буйруғига асосан, Фаргона шаҳридаги “Фаргона бизнес химоя сервис” адвокатлик фирмаси адвокати Раҳмонқулова Шаҳноза Турсуналиевичнинг (лицензия 27.12.2018 йил, FE №000034, адвокатлик гувоҳномаси №031, 27.12.2018 й.) адвокатлик мақоми тикланди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 20 майдаги 12-А-сонли буйруғига асосан қуйидаги талабгорлар:

1. Турдибаев Савдулла Бوليбековичга “Фуқаролик ва иқтисодий” суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича GZ 000137-сонли лицензия;

2. Исамов Акрам Аҳмаджоновичга “Маъмурий ва жинойи” суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича GZ 000138-сонли лицензия;

3. Эргашев Анавар Холмуминовичга “Маъмурий ва жинойи” суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича GZ 000139-сонли лицензия берилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 24 майдаги 13-А-сонли буйруғига асосан “Малакали химоя” адвокатлик ҳайъати адвокати Бегманов Мизамиддинга 2019 йил 16 январда берилган GZ 000096 адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 2019 йил 16 январда берилган 087-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши

унинг вафот этганлиги муносабати билан тўхтатилади.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 25 майдаги 14-А-сонли буйруғига асосан “НIMOYA NUR MEDIA” адвокатлар ҳайъати адвокати Абдуваҳаб Махбуба Абдукаримовичнинг “VERDICTUM-M” адвокатлик биросига ишга кириш муносабати билан унга 131-сонли янги адвокатлик гувоҳномаси берилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 17 майдаги 10-А-сонли буйруғига асосан талабгор Норқушев Акбар Бахтиёровичга “KAFOLAT” адвокатлик ҳайъатига ишга кирганилиги муносабати билан 130-сонли адвокатлик гувоҳномаси ва мақоми берилди.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ: БИЗДА ВА ХОРИЖДА

Энг муҳими — вақт тежаллади, оворагарчиликка чек қўйилади

БУГУНГИ кунда давлат хизматлари сифатини ошириш, фуқаролар учун қулайликлар яратиш, ушбу соҳада мавжуд ортқича бюрократик тўсиқларни қисқартиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Давлат хизматлари марказлари фаолиятини такомиллаштириш, кўрсатилган давлат хизматлари сонини янада оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 23 мартдаги "Аҳоли ва тadbиркорларга енгилликлар яратиш, бюрократик тўсиқларни тубдан қисқартириш ҳамда ортқича расми-ятчиликка чек қўйиш чора-таdbирлари тўғрисида"ги Фармони билан 2021 йил 1 июндан никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш, хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш экстерриториал тамойил асосида амалга ошириладиган бўлди. Давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортқича тўланган тўловларни соддалаштирилган тартибда Давлат хизматлари агентлиги томонидан бир иш кунини ичида қайтариш амалиёти жорий этилди.

Бундан ташқари, 2021 йил 1 майдан бошлаб хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун ариза-анкетани

давлат божи тўловини электрон тарзда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш имконияти яратилди. Мазкур янгиланишлар давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

ХОРИЖДА БЮРОКРАТИЯНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ПЛАТФОРМАЛАР ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

Австралияда DATA REFORMS дастури яратилган бўлиб, мазкур дастур орқали давлат хизматларидан фойдаланиш осонлашди. Бу дастур фойдаланувчилар учун ариза формаларини олдидан тўлдириш имконини беради.

Австралиянинг myGov платформаси Австралия фуқароларига давлат хизматларидан фойдаланишни осонлаштириб беради.

2017 йилда яратилган Business

longitudinal analysis data environment тарзда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш имконияти яратилди. Мазкур дастурлар беришга мўлжалланган дастур ҳисобланади. MyService платформаси эса, уруш фахрийлари ва уларнинг онла аъзолари учун онлайн хизматлардан тезроқ ва соддарок тартибда фойдаланиш имконини тақдим этади.

Австралияда 2019 йилдан буён Medicare website ишга туширилган. Мазкур сайт чакалоқларни электрон рўйхатдан ўтказиш имкониятини тақдим этади. Ушбу дастурнинг иловалари ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, эндиликда маълумотларни топши 75 фоизга осонлашди. Мазкур сайтдан фойдаланган ҳолда австралияликлар ўз вақтларини тежаш, фарзандларига кўпроқ вақт ажратиш имкониятига эга бўлдилар.

Тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун вақтни


тежаш муҳим, албатта. The Business Registration Service — тadbиркорлик субъектлари учун вақт тежашнинг рақамли ечими ҳисобланади. Ушбу тизим ёрдамида ариза тўлдириш ўртача вақтни 65 дақиқадан 16 дақиқага камайтирди. Статистик маълумотларга кўра, Бизнесни рўйхатдан ўтказиш тизимидан фойдаланган ҳолда яқка тартибдаги тadbиркорлар молия йили якунига кўра, қарийб 945 соат вақтни тежашди.

Рақамлаштириш сиёсати нафақат вақтни тежашда, балки бюрократияни қисқартиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. 2016 йилда Словакиянинг Иқтисодий ва ижтимоий тadbиркорлик институти Бюрократия индексини ишлаб чиққан. Мазкур индекс кичик тadbиркорлик субъектларининг кунлик бюрократияга кетадиган вақтни бўйича ҳисоб-китоб қилади. Маълумотларга кўра, бир йилда Испания

ва Италияда тadbиркорлик субъектлари 312-369 соат вақт сарфлайди ва бу энг катта кўрсаткични ташкил этади. Бу кўрсаткич Литвада 271 соат, Чехияда 223 соат, Словакияда 217 соатни ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизими ҳамда бюрократияни қисқартириш йўлида кенг камровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотларни амалга оширишда юқорида тахлил қилганимиз — Австралия тажрибасини қўллаш муҳим, деб ўйлаймиз. Medicare, MyService, DATA REFORMS каби дастурларнинг мамлакатимиз ҳаётига жорий қилиниши фуқароларимиз учун янада кўп қулайлик ва янги имкониятлар яратади, албатта.

Муниса БҮРИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими,
Ўткиржон АБДУЛЛАЕВ,
1-тоифали иш юритувчи котиби



ЖУРНАЛНИНГ 2-СОНИ НАШРДАН ЧИҚДИ

"ЯНГИ Ўзбекистонда эркин ва фарован ашайлик!" — ушбу ғоя журналнинг давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланган 2-сонига бош мавзусига айланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М-У.Абдусаломов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги К.Абдурахмонов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти бош илмий ходими А.Рашидбеков, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Г.Маруфованинг илмий мақолаларида мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда эришилган тарихий натижалар, айниқса, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва асосий манфаатларининг кафолатли таъминланиши ҳуқуқли этилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик А.Саидов, Россиянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Т.Москалькова, Бош прокуратура академиясининг профессори Ф.Рахимов, Ўзбекистон Республикасининг Женевадаги БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий вакили У.Лапасов, Марказий сайлов комиссиясининг доимий аъзоси Г.Рахимованинг мақолаларида эса, мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самаралари очиб берилган.

Шунингдек, журнал саҳифаларида парламент фаолиятини такомиллаштириш, суд ислохотлари, гендер тенглиги, ёшлар ҳуқуқларининг кафолатлари, сўз ва матбуот эркинлиги ва бошқа мавзулардаги илмий мақолалар ҳам эълон қилинган.



ЎҚИМАСЛИККА БАҲОНА ЙЎҚ!

ТАЛАБАЛАР маънавий дунёсига, моддий ҳолатига мамлакат миқёсида берилаётган эътибор кўччилигининг қалбимизга қувонч олиб кирмоқда. Мен таҳсил олаётган олий таълим муассасида барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган.

Ўқиниш кирганидан кейин ҳаётини қўллаб ўзгаришлар юз берди. Ўзимни ҳақиқий билимлар майдонига тушиб қолгандек сездим. Олийгоҳимизда ўз касбининг етуқ мутахассислари бўлган профессорлар, малакали устозлар, дарс беришади. Гарни, уч ойгина анъанавий машғулотларда катнашган бўлсам-да, университетимизни неча йиллардан бери билайдигандекман. Бу даргоҳ менга жуда қадрдон бўлиб қолди. Университет фаолиятига олий таълимнинг бир талабаси мисолида баҳо берадиган бўлсам, унда, аввало, юксак даражадаги илмий-ижодий муҳит яратилган.

Хар бир инсоннинг қайсида йўналишида истеъдоди бўлади. Фақат уни юзага чиқариш учун меҳнат ва меҳнатга яраша рағбат талаб этилади. Бу борада университетимиз мамлакатимизда етакчи олий ўқув юртилардан бири десам, асло хато бўлмайди. Негаки, талабаларда қандай истеъдод бўлса, ҳеч қайси эътиборсиз, рағбатсиз қолиб кетмайди. Дарслардан ташқари талабаларнинг вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг истеъдодларини намойиш қилиш учун қўллаб танловлар, мусобақалар тез-тез ўтказилади. Талаба ҳам катта қизқинчи, зўр шижоат билан уларда фаол иштирок этади. Энг асосийси, танлов ғолиблари муносиб рағбатлантирилади. Университетда бу йил икки мартаба "Талабалар фестивали" ўтказилди. "Ёшлар ҳаётида 5 муҳим ташаббус" ширини остида ўтказилган иккинчи фестивалда 16 та лойиҳа доирасида 2 мингдан зиёд талаба иштирок этади. 5 кун давомида "IT билимдони", "cyber спорт", "Step by step", "TSUL court" талабалар суд

процесси, "Зукко китобхон", "Мен чиқсан сурат", "Талабалар театр студияси", "Wise интеллектуал уйини", "Югуриш" марафони каби қўллаб танлов ва мусобақалар ўтказилди. Хар бир талабани фестивал доирасида бўлиб ўтадиган беллашувларга жалб этиш, уларнинг ақлий салоҳиятини ошириш билан бир қаторда жисмонан киниктириш, янги қирраларини кашф этиш мақсад қилинган эди. Фестивалнинг ёпилиш маросиминда университетимиз ректори Раҳимжон Ҳақимов томонидан юқорида санаб ўтилган мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган талабалар муносиб рағбатлантирилди. Диплом, эсдалик совғалари билан бир қаторда пул муқофотлари ҳам берилиши талабалар учун катта рағбат бўлди. Нафақат фестивал доирасидаги, балки доимий тартибда ўтказиладиган мусобақаларда ҳам талабалар моддий жиҳатдан рағбатлантирилади. Бу талаба учун жуда ҳам муҳим. Негаки, узок вилоятдан келиб, кундузи ўқиби, кечаси ишлаб юрган талабалар қанча? Бу уларнинг фанларини яхши ўзлаштиришга салбий таъсир қилади, албатта. Университет ҳаётида фаол катнашган орқали ҳам талаба моддий жиҳатдан ўзини бемалол таъминласа бўлади, бизнинг университетимизда шундай! Иштирок орқали ўз билимимизни оширишимиз, ҳақиқий рақобат муҳитини ҳис қила оlishимиз, энг муҳими, мақсад сари олиш илтишунини ўрганишимиз мумкин.

Олийгоҳимизда талабаларнинг муаммолари, шижоат ва тақлифларини қабул қилиш, ҳал қилиш мақсадида ижтимоий тармоқларда "Ректор бот" ташкил этилган. Талабаларда қандай муаммо

бўлса, уни бемалол ушбу ботга йўллашлари мумкин. Шахсан ректорнинг ўзи қабул қилади, муаммо ўз вақтида ҳал этилади. Тошкент давлат юридик университетига қарашли талабалар турар жойида ҳам барча шароитлар яратилган бўлиб, у ерга ҳам университет масъулари тез-тез ташриф буюриб, муаммоларни жойида ҳал этишга ҳаракат қилишади. Онлайн дарсларга катнашиш учун ҳам барча хоналар Wi-Fi билан таъминланган. Яъни, ўқимасликка ҳеч қандай баҳона йўқ! Ўзим шу олийгоҳ талабаси бўлганим учун ҳам университетимизда талабаларнинг фанларини ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳам ўзлаикли шаффоф тарзда аниқланади, деб айтла оламан. Орқали ва яқиний назорат имтиҳонлари онлайн тарзда сайтага жойланади. Устозлар кимнинг иши эканлигини билимай, ҳолис баҳолайди. Хар бир курс бўйича фанларини ўзлаштиришда энг юқори балларни қўлга киритган талабаларнинг Топ — 50 талги аниқланади. Талабаларга намуна сифатида кўрсатиб, раҳбарият томонидан тақдирланади.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент давлат юридик университети талабаларининг истеъдодларини юзага чиқариш ва уларни муносиб рағбатлантиришда хар томонлама илгор ва етакчи олий таълим муассасаларидан бири. Юқорида фақатгина яратилган шароитларнинг бир қисминни айтиб ўтдик, ҳолис. Устозларнинг дарс ўтти маҳорати эса, бир мавзу. Зеро, "Энг яхши сармоя — таълимга киритилган сармоядир!"

Малика ЭРАЛИЕВА,
Тошкент давлат юридик университети 1-босқич талабаси